



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 февраль кун

мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда барқарор, тизимли тус олган ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган 2018 йил май ойида АҚШга олиқ даражадаги тарихий ташриф чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ўзаро алмашинувлар фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Конструктив, жумладан, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, молиявий, аграр, энергетик, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Кейинги бир неча йил давомида товар айирбошлаш ҳажми икки баробар кўпайди. АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида истиқболли лойиҳалар амалга

оширилмоқда. Америка инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Вебстер университетининг филиали ўз ишини бошлади.

АҚШ Давлат котиби, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Президент Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

АҚШ томони Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашда қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Майкл Помпео Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларнинг натижадорлигини юксак баҳолади.

Давлат департаменти раҳбари, шунингдек, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида мустаҳкам асос яратётганини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий аҳамиятга молик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат котиби Тошкентда Марказий Осиё ва

АҚШ ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Янги Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати тўғрисида минтақада ишонч, шериклик ва яхши кўшничлик муҳитини шакллантиришда катта натижаларга эришилгани таъкидланди. 2019 йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтган Марказий Осиё давлатлар раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди.

Иқтисодиёт соҳасида АҚШ етакчи компанияларининг Ўзбекистон бозоридagi иштирокини кенгайтиришни ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ келишувларга эришилди.

Майкл Помпео бугунги кунда мамлакатимизда савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини бир неча ўн қарра ошириш имконини берадиган бизнес ташаббуслари учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, АҚШ мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнини жаддаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиши қайд этилди.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш, жумладан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий дастурларни амалга оширишда конструктив ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, шунингдек, ушбу мамлакатни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Майкл Помпео Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга доир аниқ инфратузилма лойиҳаларини илгари суришга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Учрашув сўнггида томонларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий экани таъкидланди.

Ў.А.

БУГУНГИ СОНДА:



**Билимга чанқоқ
ёшларни
тарбиялаймиз**

2



**Приглашение
для участия в
национальных
конкурсных
торгах**

3



**Сарҳисоб
ва келгусидаги
режалар
белгилаб
олинди**

6

Катта ўзгаришлар оғушидаги Қонликўл



Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудлари каби Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманида ҳам кенг кўламли қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Оролбўйида жойлашган Қонликўл туманида ўтган йили кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йилнинг 22 февраль кунини бўлиб ўтган видеоселектор мажлисида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифарлари белгилаб берилган эди. Шу асосда тумани ободонлаштириш, ижтимоий

инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар Дастури белгиланиб, бунинг учун 96 миллиард 799 миллион сўм маблағ ажратилди.

Дастур бўйича ўтган давр мобайнида «Жайхун» уйингоҳи, «Узпахтасаноат» акциядорлик жамияти томонидан умумий нархи 2 миллиард 400

миллион сўм бўлган, 150 хотин-қиз меҳнат қилаётган тикувчилик цехи, Давлат хизматлари маркази, Аҳоли бандлиги маркази, Маданият маркази, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника бинолари фойдаланишга топширилди.

(Давоми 5-бетда)

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ёш оилалар уй-жой билан таъминланмоқда

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

– Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг энг йирик лойиҳаларидан бири бу – мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган Ёшлар уйлари лойиҳаси ҳисобланади, – деди анжуманда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабоев. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш инвест» ва «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компаниялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014-2016 йилларда (бошланғич бадалсиз) 3 604 та «Ёшлар уйлари», 2017-2019 йилларда (121 млрд 244 млн сўм бошланғич бадал тўланган ҳолда) 2 668 та, жами 6 272 та хонадондан иборат «Ёшлар уйлари» мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган, алоҳида яшаш жойига муҳтож бўлган ёш оилаларга ажратилган.

Тадбирда ОАВ ходимларининг қайси тоифадаги ёш оилаларга имтиёзли уйлар ажратилади, бу уйлارни олиш учун яна қандай асосий мезонлар амалиётга татбиқ қилинмоқда деган саволларга Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мутасаддилари атрофлича жавоб беришди.

(Давоми 5-бетда)

- Долгий срок службы**
Гарантия от производителя на композитную арматуру – более 80 лет.
- Невысокая цена**
При равнозначной замене, использование композитной арматуры дешевле в 2 раза.
- Меньший вес**
Композитная арматура легче равнозначной по диаметру металлической арматуры в 9 раз.
- Удобство работы с материалом**
Для монтажа композитной арматуры не нужен сварочный аппарат и другие дополнительные инструменты.

- Удобство покупки**
Возможность покупки необходимого метража для выполнения строительных работ.
- Прочность при растяжении**
Композитная арматура превосходит металлическую по данному показателю в 2-3 раза в зависимости от марки.
- Устойчивость к щелочи**
Устойчива к щелочной среде бетона.
- Удобство при транспортировке**
10 кг такой арматуры помещается даже в багажник легкового автомобиля.

STEKLOPLASTIK
РАЗРАБОТКА И ПРОИЗВОДСТВО

93 330 20 78 98 273 33 73
steklopl@mail.ru www.stekloplastik.uz
Самаркандская область, Самаркандский р-н, п. Анджигани.
Товары сертифицированы

